



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 10-iyun • Payshanba • 68 (31.188) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон — Хитой:

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 9 июнь кун давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи минг йиллар қаъридан бошланади. Чой, пахта, ипак, қоғоз каби қундалик турмушда ҳамisha истеъмолда бўлган маҳсулотларнинг дунё бўйлаб тарқалишида Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар муҳим ўрин тутган.

Халқаро муаммоларни ҳал этишда Хитойнинг нуқтаи назарига алоҳида эътибор берилиши БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган бу мамлакатнинг юксак сиёсий салоҳиятидан далolatдир. Иқтисодий соҳада эса Хитойнинг қудрати ҳақида унинг ўсиб бораётган ялпи ички маҳсулоти, ташқи савдо ва экспорт ҳажми бўйича етакчи ўнликка кириши аниқ тасаввур беради.

XXI аср шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бугунги воқеалик ва замон талабларига мос равишда барча йўналишларда ривожланмоқда. Бугун бу муносабатлар халқаро майдондаги сиёсий ҳам-жихатликдан, терроризм, диний экстремизм ва айирмачиликка қарши биргаликда курашишдан, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳамда маданий-гуманитар алоқалардан иборат.

9 июнь кун Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали мекмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтаонинг тор доирадаги суҳбатидан томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзаро сиёсий ишонч ва ҳамжихатлик мустаҳкамланиб, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қўлами кенгайиб бормоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистон ва Хитойнинг туб манфаатларига тааллуқли масалаларда мамлакатларимиз бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги алоқаларни кенгайтирмоқда. Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида Хитой билан алоқаларни барча соҳаларда ривожлантириш тарафдоридир. Айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор.

Ху Цзиньтао Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст ва муҳим шерик сифатида қарашини қайд этди. Олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида ўз мамлакати Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни изчил давом эттиришга тайёрлигини маълум қилди.

Хитой раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятига юқори баҳо бериб, 2010 йилнинг апрель ойида Тошкентда ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлади.

→ 2

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

## «Соғлом она — соғлом бола»



«Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар ва Бектемир туман бўлимлари шу мавзуда давра суҳбати ташкил этди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, электорат вакиллари иштирок этишди. Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида жамиятни маънавий янгилаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб мақсадлар ётгани таъкидланди. Бунда, шубҳасиз, оналар саломатлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Биз оналарнинг нафақат жисмоний, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиши, балки ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, — деди «Фаол аёллар» қаноти Тошкент шаҳар бўлими раиси Маргарита Аҳмедбекова. — Партиямиз ўз сафига турли ёш ва касб эгалари, ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари, маданият соҳаси вакиллари, журналистлар ҳамда бошқа касб-кор эгалари бўлган хотин-қизларни бирлаштиради. Демак, биз жуда катта кучга эгамиз. Маҳаллий партия кенгашлари улар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиб, мақсадла-

римизни амалга оширишга ҳаракат қилиш зарур. — Саломатлик — бебаҳо бойлик, — деди Бектемир туман Марказий поликлиникаси шифокори Шоира Алиева. — Аввало, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарур. Аёл соғлом бўлса, ундан соғлом фарзанд дунёга келади. Биз жойларда бундай тадбирларни кўплаб ўтказаямиз. Маҳалла аёллари, уй бекалари учун репродуктив саломатлик масалаларида тушунчалар бериб бораларми. Аммо бу ишларни янада изчил ташкил этиш, самарадорлигини ошириш учун сизларнинг ҳамкорлигингиз жуда зарур. Давра суҳбатидан, шунингдек,

Бектемир туман партия кенгаши раиси Уринбосари Лола Ярашева, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати — Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова, 52-оилавий поликлиника бош шифокори Кимё Шокирова ва бошқалар ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларида фикр-мулоҳаза юритишди. Бу борада «Фаёл аёллар» қанотининг асосий вазифалари, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликни кучайтириш масалаларида таклифлар ўртага ташланди.

Гулрух ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШХТ тимсолида инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан ҳудудда хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини яратишга қаратилган ташкилотга асос солинди. Унинг истиқболи порлоқ эканлиги исботланди.




→ 2

Парижда — Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий ваколатхонасида «iPhone» телекоммуникация тизимида иш бошлаган махсус «UZ UNESCO» саҳифасининг тақдироти бўлиб ўтди.



3

Ироқда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун яна юз минг нафар олий маълумотли шифокор керак. Айни пайтда 20 минггина малакали тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. Бу мамлакат эҳтиёжининг 20 фоизига тенг, холос.



→ 3

Жаҳон чемпионатида тантанали очилиш маросимида, барча қитъадаги мамлакатларга ўнлаб тилларда узатиладиган теле ва радиорепортажларда ЎЗБЕКISTON ва Равшан Эрматов номлари баралла янгради.



→ 4

Мухаммадқодир Абдуллаев:

### «Ваъдамни бажаришим керак!»

→ 4



## Олимпиада кунига бағишланди

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номили Миллий бoғда Олимпиада кунига бағишланган анъанавий югуриш мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика энгил атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада хотин-қизлар, ўсмирлар ва фахрийлар иштирок этди. Голби ва совриндорларга Халқаро олимпия кўмитаси сертификатлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ўнинчи йиғилиши тўғрисида

2010 йил 11 июнь кун Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ўнинчи йиғилиши бўлиб ўтди. ШХТга раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан ушбу саммитда Ташкилотга аъзо давлатлар, ШХТ ҳузурдаги кузатувчи давлатлар раҳбарлари ва делегациялар раҳбарлари иштирок этади.

Йиғилишда Афғонистон Ислам Республикаси ва Туркменистон президентлари, шунингдек, БМТ, МДХ, АСЕАН, ОДКБ ва ЕврАзЭС каби ШХТ ҳамкорлик алоқаларини ўнатган халқаро ташкилотлар вакиллари меҳмон сифатида қатнашди.

Саммит иштирокчилари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашди. ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, Ташкилотнинг халқаро нуфузини ошириш

масалалари муҳокама қилинади, дунёда ўзаро англашуви, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ва минтақаларнинг барқарор ривожланиши борасидаги кенг қамровли долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади. Саммит якунида бир қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ўнинчи йиғилиши декларацияси, Ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми ва ШХТ процедуралари қоидалари қабул қилиниши режалаштирилмоқда.

«Жаҳон» АА

O'zbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган

10 июнь об-ҳавоси

Юртимизда	Хорижда
Тошкент — 36°С	Лондон — 23°С
Самарқанд — 36°С	Париж — 28°С
Нукус — 39°С	Москва — 16°С
Қорғиш — 39°С	Мадрид — 29°С
Ургуч — 39°С	Пекин — 20°С
Навоий — 37°С	Гонконг — 28°С
Фарғона — 35°С	Рим — 24°С
Бўғорча — 37°С	Анкара — 21°С
Анджон — 35°С	Токио — 25°С
Номангон — 35°С	Стокгольм — 17°С
Термиз — 40°С	Кейптаун — 27°С
Жиззах — 34°С	Қоҳира — 30°С
Сардарё — 34°С	Гавано — 37°С
Тошкент вила. — 35°С	Вашингтон — 20°С



→ 3



# Ўзбекистон — Хитой: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари музокарани икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бугунги шароитда унинг таъсирини енгилаштириш ва оқибатларини барқарор этиш масаласи давлатлараро ҳамкорликнинг муҳим бўлишига айланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой бу йўналишдаги вазифаларни баҳарий учун савдо-иқтисодий, сарможий, молиявий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фозисиз ва узоқ мuddатли имтиёзли кредитлари, Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисобидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хитой ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфра-тузилмани ривожлантиришга доир йигирмага яқин лойиҳа кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Умуман, ХХРнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳалар қиймати 127 миллион АҚШ долларига, ҳозирги кунда ўзлаштирилган кредитлар ҳажми эса 547 миллион долларга тенг.

Сарможий ҳамкорликнинг ҳам қўламини кенг. Бу йўналишдаги алоқалар нефть-газ, кончилик

каби соҳаларда жадал ривожланмоқда. Масалан, Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орел денгизи акваториясида, Устпорт, Бухоро-Хива ва Фарғона сарможий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий ҳамкорлик фаоллигини оширди. Масалан, ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи 2008 йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2009 йилда 2 миллиарддан ошди.

Сарможий ҳамкорлик доирасида эришилган келишувлар Хитойдан 2 миллиард долларлик сармож жалб этишни назарда tutadi. Шундай бўлса-да, бу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг имкониятларини тўла ифода қилмайди. Транспорт, логистика, қурилиш, телекоммуникациялар, юқори технологиялар каби кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд. Хусусан, икки мамлакат «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида катта ресурсларни ишга солиши мумкин.

Томонлар маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашишлар. Ҳозирги кунда гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга 1998 йилда тузилган «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти фаол ҳисса қўшмоқда. Икки томонлама келишув ва ШХТ доирасида Хитой ҳукумати ўзбекистонлик 40 нафар талабага 2009-

2010 ўқув йили учун давлат гранти акратди.

Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолادилар. Шунингдек, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, ноҳомашё ва юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастур, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, аккредитация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, «Узсанот-қурилишбанк» билан Хитой Эксимбанкни ўртасида кредит битими, табиий газ савдоси тўғрисидаги ҳадли битим, энергетик материал етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари билан ўрашувда Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао мулоқотлар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаронлигини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларидаги муҳим воқеадир. Биз Хитой билан изчил ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Бугунги музокараларда ўзаро му-

носабатларни ривожлантиришга оид ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалаларда, «чў ёвуз куч», яъни терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашиш борасида икки томоннинг қарашлари ўхшаш ва яқин экани яна бир бор намойён бўлди. Кейинги йилларда ҳамкорлик жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Хусусан, 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 18,9 фоз ўсди, «Марказий Осиё — Хитой» газ қувури ишга туширилди. Эндликда юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ҳам кенгайтиришга келишиб олдик. Бу борада «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида катта имкониятлар мавжуд, — деди Ислон Каримов.

— Биз ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашидик. Бугун имзоланган Қўшма декларация икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармож, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга келишиб олдик, — деди Ху Цзиньтао.

ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири.



# Фаолиятимиз, амалий ишларимиз

### баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган

Гулбаҳор Холмуродова ўтган сайловда Дўстлик туманидаги 6-Собир Раҳимов сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган эди. Партияимиздан номзоди кўрсатилган ва кўпчилик сайловчилар ишончига эришган депутатимиз раҳбарлик қилаётган туман ўқувчилар ижодиёти маркази жамоаси бугун баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилапти.

Жамоамизда 19 нафар устоз-мураббий фаолият юритади, — дейди Гулбаҳор. — Улар ўн тўққиз йўналиш бўйича болалардаги истеъдод ҳамда иқтидор қирраларини шакллантириш, қўллаб-қувватлаш, камолга етказиш масалаларида фаоллик кўрсатишгапти. Марказ машғулотирида ҳамми 1090 нафар ўқувчи иштирок этади. Уларнинг қизиқишлари ва интилишлари бўйича пишиқ-пуста сабоқ олишлари, касб-хунар эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Устоз-мураббийлар орасида касбини ардоқлайдиган, салохиятли, ўз устида мунтазам ишлайдиган кишилар кўпчилиги ташкил этади. Масалан, Шаҳноза Саидованинг машғулотирида ўқувчилар иштиёқ билан қатнашади, ҳар бир йўналишнинг муҳим жиҳатларини кунт билан ўрганишади.

Халқ хунармандчилиги йўналишида ёғоч ўймакорлиги тўғрисидаги қўшма декларация, — дейди 14-умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчиси Нодирбек Норбеков. — Ўзим ёқтирган хунарининг сир-асрорларини ўрганаётганимдан хурсандман. Ясаётган буюмларимиз кишиларга ёқаётганидан қувонамиз, руҳланамиз. Келгусида шу хунар орқали эл-юртга дилдан хизмат қилиш ниятидаман.

Марказда аҳил-иноқ, ҳаракатчан, изланувчан жамоа ташкил топган. Бунда ташкилот раҳбари Гулбаҳор Холмуродованинг хизмати катта. Айни пайтда у нафақат жамоа етакчиси, балки партияимиз фаоли, жонқуяр депутат сифатида ҳам самарали фаолият олиб бораёпти.

Жонқуяр депутат, изланувчан раҳбар янги-янги гоҳлар, режалар билан яшаёпти. Жамоасини янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга, янгиликлар яратишга, болаларнинг қалбига йўл топиб, уларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашга интиляпти. Бу борада ўзи жамоага намуна бўляпти. Шу билан бирга, аҳоли билан тез-тез учра-

# ШХТ: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ШХТ улкан геостратегик ва геополитик, ресурслар жиҳатидан катта имкониятларга эга бўлган ҳамда халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бораётган тузилма эканлигини кўрсатди.

Халқаро жамоатчилик ШХТ ишларини диққат билан қузатаркан, унинг гоҳат қисқа мuddатда оёққа туриб олгани, дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўналиш эътибор этмоқда.

2000 йил 5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ўша кезлари «Шанхай бешлиги» деб аталган ташкилотнинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон томони қузатувчи мақомида қатнашди. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот анжуманида иштирок этиши тузилма доирасини кенгайтиришга қўшма, мавжуд минтақавий муаммолар ечимни тугал ва самарали бўлишини таъминлади. Жумладан, ушбу ташкилотга Ўзбекистоннинг қўшилиши муҳим воқеа эканлигини Россиянинг ўша вақтдаги президенти Владимир Путин ҳам алоҳида таъкидлаб, минтақадagi муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмастлигига эътиборни қаратганди.

Ўзбекистон қузатувчи мақомида иштирок этган бу ўрашув якунида декларация қабул қилинди ва энди мазкур тузилма «Шанхай форуми» деб аталадиган бўлди. Душанбе Декларациясида Ўзбекистоннинг яна бир йирик халқаро ташаббуси — Марказий Осиёни ядро қуролдан холи худудга айлантириш ҳақидаги ташаббуси юқори баҳоланди. Шу тариқа 2000 йил ёзида бўлиб ўтган саммит ташкилот имкониятларини кенгайтиришга йўл очиб берди. Албатта, Евроосиёда улкан хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини вужудга келтиришга қаратилган мазкур уюшмага аъзо бўлишдан Ўзбекистон ҳам манфаатдор эди. Айниқса, бу улкан худудда сиёсий ва иқтисодий қудрати, фан-техника ва юқори технология соҳасидаги ютуқлари, қола-

верса, ҳарбий салоҳияти билан ажралиб турувчи Россия ва Хитой жойлашганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

2001 йил 14-15 июнь кунлари ШХТнинг фаолиятида муҳим давр бўлди. Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Гап қайси соҳа ҳақида боришидан қатъий назар, ШХТ Ўзбекистонсиз мукамаллик касб эта олиши қийин эди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча давлатлар, шу жумладан, Афғонистон билан ҳам чегарадоши мамлакатдир. Бундан ташқари, Марказий Осиёнинг 60 миллионлик аҳолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. Қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкор деб билади.

Президент Ислон Каримов 2001 йил 15 июнь куни ШХТнинг Шанхайда бўлиб ўтган саммитида шундай деган эди: «Биз Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва нарқобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз».

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ШХТ фаолиятида аниқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган тақдирларни илгари суриб келмоқда. Булар орасида Афғонистон масаласи, халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва нарқобизнес муаммолари, оммавий қирғин қуроллар тарқалишининг олдини олиш, яъни минтақамизни ядросиз зонага айлантириш алоҳида аҳамиятга эга молик.

Ўзбекистоннинг ШХТга қўшилишдан қўзғалган иккинчи асосий мақсади кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликдир. Бунда аъзо давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар катта

аҳамият касб этади. ШХТнинг қисқа давр мобайнидаги фаолиятида 2002 йил 6-7 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган саммити ҳам алоҳида мазмун касб этади. Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият хавфсизлик масаласида янгича ёндашувга эҳтиёж сезаётганини илғаш қийин эмас. Бу ёндашув ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжихатлик тамойилларига таяниши керак.

ШХТ ана шундай ёндашув, хавфсизликнинг янги концепциясини юзага келтирди, десак, адашмаган бўламиз. Ўзбекистон ШХТ томонидан минтақадa хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган вазифалар изчил адо этилиши, гуманитар, иқтисодий ва маданий соҳалардаги кўптомонлама, ўзаро фойдаланган ҳамкорлик ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди. Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов ШХТ ҳар бир давлатнинг ва бутун Марказий Осиё минтақасининг олға интилувчи ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватловчи барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги, бу ерда геосиёсий рақобат ва зиддиятлар пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги кераклигини таъкидлади.

2003 йили ташкилотнинг Минтақавий ақсилтерроп маркази (тузилмаси)нинг қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинганди. 2004 йилнинг 1 январидан эса пойтахтимизда Минтақавий ақсилтерроп тузилмаси ижроия қўмитаси ўз фаолиятини бошлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ШХТ тизимида инсониятнинг тўртдан бир қисми яшайдиган улкан худудда хавфсизлик ва ҳамкорлик зонасини яратишга қаратилган ташкилотга асос солинди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент саммитига бутун дунё қизиқиш билан қарамоқда. Бу анжуман минтақадa да дунёда тинчлик, сиёсий барқарорлик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичини белгилаб беришига ишончимиз комил.

Абдуғафобов КИРГИЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Фарғона вилояти ХДП сафларида салоҳиятли, ташкилотчи, эътиқодли фаоллар кўпчиликни ташкил этади.

# Мақсад сари аниқ ҳаракат зарур

Бугунги кунда вилоят маҳаллий кенгашиларининг асосий эътибори партия электорати, ёшларни, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шариоитларини янада яхшилаш, касаначилик фаолиятини кенг ривожлантириш каби масалаларга қаратилмоқда.

Вилоятда ўтказилаётган кўплаб тадбирларда электорат вакиллари, ёшлар, хотин-қизларимизга ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериб келинмоқда. Лекин фаолиятимизда камчиликлар, бой берилган имкониятлар ҳам оз эмас. Биз партия аъзоларимиз ва электорат вакилларида фуқаролик масъулиятини оширишимиз зарур. Аввало чекка худудларга, қишлоқларга ўз ташаббусларимиз билан кириб боришимиз лозим. Узоқ худудларда яшовчи фуқароларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини, уларни қийнаётган муаммолар нималардан иборат эканини билмасак, ёрдам кўрсатмасак, ҳеч қачон ишончга сазовор бўла олмаймиз.

Шундай экан, аниқ мақсад йўлида амалий ишлар қилишимиз зарур. Сиёсий жараёнларда ҳар бир партия аъзосининг фаоллигини ошириш ишмиизнинг бош мезони бўлиб қолаверадди.

Зиёдаҳон АБДУЛЛАЕВА, ҲХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

«Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор банк тизимларидан бири бўлиб, айни пайтда у белгиланган қатор меъёрлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоздан ошди. Бу эса банклар мониторингини билан шуғулланадиган Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўпдир».



# «Биз мижоз ва хизмат турларини

Дикқатингизни, аввало, Давлат-тижорат Халқ банкнинг Жиззах вилоят филиали жамоаси эришяётган ва амалга ошираётган ишларга қаратмоқчимиз. РАҚАМЛАР, ДАЛИЛЛАР: 368 275 та жисмоний ва 7455 та юридик мижозларга малакали хизмат қилаётган мазкур молия муассасасининг кредит қўйилмалари қолдиги шу йилнинг май ҳолатига 25.937,6 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 6.433,7 млн. сўми (24,8 фозизи) қисқа ва 19.503,9 млн. сўми (75,2 фозизи) узоқ мuddатли кредитлардир. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиги эса 4.237,5 млн. сўм бўлди. Бу эса, шубҳасиз, мазкур филиал муассасаларида жисмоний ва юридик (корпоратив) мижозлар билан ишлашга янгича ёндашилаётгани самараси, албатта.

қатор Қарор ва Фармонлари ижроси йўлида ҳамда Марказий банк, Халқ банки Бошқарувлари томонидан тасдиқланган микро-молиявий хизматлар асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг қисқа ҳамда узоқ мuddатли кредитларга бўлган талабини изчил қондириш — филиал жамоасининг бугунги кунда асосий широгига айланган. Масалан, 2009 йил давомида ажратилган кредитлар 6.958,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 4.459,5 млн. сўмга етди.

Аҳолининг Таълим кредитларига бўлган талаблари ижроси йўлида жорий йил давомида 20,2 минг сўм кредит ажратилди. «Шахсий исоҳ» Давлат-тижорат Халқ банки «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга кўра ўз маблағи ҳисобидан тасарруфидаги филиаллари орқали кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва иш билан таъминлаш мақсадида вилоятнинг чекка худудларига 200 млн. сўм кредит маблағлари ажратди. 150 дан ортиқ оила

иш билан банд бўлди. Ўз бизнесини ривожлантириши мақсад қилган юридик шахслар банк маблағи ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даври давомида 1.962,9 млн. сўмлик кредит маблағларини олишти. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислотларни қўллаб-қувват-





Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар — бутун дунёга

Парижда — Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонасида «iPhone» телекоммуникация тизимида иш бошлаган махсус «UZ UNESCO» саҳифасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда Франциянинг расмий, ижтимоий ва маданий доиралари, дипломатия корпуслари вакиллари, ЮНЕСКО ҳамда Париж шаҳрида аккредитациядан ўтган бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Тақдирот иштирокчиларига халқаро ҳамжамиятни юртимизнинг бой маънавий ва маданий тарихий мероси, мамлакат раҳбарияти томонидан турли соҳаларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда бугунги Ўзбекистоннинг асосий ривожланиш аъёнлари билан кенг таништириш мақсадида ишга туширилган «UZ UNESCO» лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

«iPhone» дастурининг инглиз тилида ташкил этилган ҳамда «Apple» компанияси томонидан расмий тасдиқланган ушбу саҳифаси «Янгиликлар», «Ўзбекистон», «ЮНЕСКО ҳузуридаги Ўзбекистон делегацияси», «Санъат ва маданият», «Галерея», «ЮНЕСКО» каби бир неча бўлимлардан иборат. Саҳифа орқали, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари ҳақида хикоя қилувчи видео лавҳалардан баҳраманд бўлиш мумкин.

«Сопестинг» компанияси директорининг техника масалалари бўйича ўринбосари М.Трояннинг фикрича, дунёнинг ис-талган мамлакатидан туриб Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни бевосита олиш ва хорижий сайёҳларнинг виза учун ариқлари онлайн тизимида тўлдирishi имкониятлари мавжуд бўлган алоҳида бўлимга эга янги саҳифанинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этувчи тадбир саналади. У, шунингдек, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонаси ЮНЕСКОга аъзо давлатлар доимий ваколатхоналари орасида биринчи бўлиб «UZ UNESCO» каби халқаро лойиҳани яратгани ва Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг янада кўпроқ жалб этилишига ўзининг салмоқли улушини қўшаётганини қайд этди.

Ўзининг бой тарихига эга экани билан бирга, Буюк ипак йўлининг йирик чорраҳаси саналган Ўзбекистон бугун туризм соҳасида замонавий ва истиқболли марказлардан бири ҳисобланади. Шу маънода «UZ UNESCO» каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши ушбу соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади, — деди «Tutti Quanti Communication» туристик компанияси бош директори Ж.Ж.Гоя.

«Жаҳон» АА, Париж

Давлатимиз раҳбари Навоий — Учқудук — Нукус темир йўли биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади, дея таъкидлаган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан ҳам, йўллар, айниқса, темир йўллар мамлакатнинг қон томиридир. Нимага десангиз, йўл ўтган жой обод бўлади, темир йўл ўзи ўтган ҳудудга саноатни олиб қиради. Иқтисодий ривожланиш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошади.

ЙўЛ ҚУРГАН КАМ БЎЛМАС...

Мамлакатимизнинг қон томирларидан бири — Навоий — Учқудук — Нукус темир йўли ҳақида

Шунинг учун ҳам инсоннинг бунёдкорлик ишлари ичида янги йўллар очиб ва музаам кўприклар барпо этиш алоҳида қадрланади, савоб иш деб эъзозланади. Йўллар ва кўприклар одамларнинг манзиллини яқин қилади, уларни ўзаро боғлайди. Шунинг учун бундай хайрли ишларнинг бошида турган инсонлар доимо элнинг дуосини олади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қорақалпоғистонни ўзга минтақалар билан боғловчи кўпдан-кўп эзгу ишлар қилинди. Шулардан бири — Навоий — Учқудук — Нукус темир йўлидир. Мазкур темир йўл тизимини қуриш ва реконструкция қилиш ҳақида 1993 йил 6 августда Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Шунга қўра, узунлиги 226,4 километр бўлган «Учқудук-Мискин» ҳамда узунлиги 115,2 километр бўлган «Мискин-Тўртқўл-Султон Увайтоғ» темир йўл тизимини қуришга киришилди. Қурилишнинг умумий баҳоси 49963,343 миллион сўм бўлиб, уни амалга оширишда «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси ва унинг трестлари чинакам фидойилик намунасини кўрсатишди.

1995 йил бошланган янги темир йўл қурилиши 2001 йилда охирига етказилди ва 21 март кунини ишга туширилди. Мана шу кундан бошлаб унда юк поездлари қатнай бошлади. 2002 йил 22 август кунини йўловчи ташийдиган поездлар қатнови ҳам йўлга қўйилди.

Халқимиз қўли гул, бунёдкор халқ. Янги темир йўл қурилиши муносабати билан Хазорасп тумани ҳудудида бунёд этилган музаам кўприк қишлоқимизнинг яратувчилик даҳосига бир мисол бўла олади. Унинг лойиҳасини «Бошавоттрансқурилиш» институти олимилиб яратган. Кўприкни бунёд этишда «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасининг «Кўприк қурилиш» трести иши ва қурувчилари алоҳида фидойилик кўрсатишди. 700 нафардан зиёд ишчи уч сменада ишлаб, узунлиги 681 метр бўлган иншоотни қисқа вақт ичида қуриб битказишди.

Ушбу йирик иншоотнинг очилиш маросимида иштирок этган

Президент Ислам Каримов янги йўллар ва кўприклар қуриш халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, «Биз учун шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу улкан иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади», дея уқтирди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугун ҳар қадамда бунинг гувоҳи бўлиш мумкин. Янги темир йўл халқ ҳўжалигининг қон томирига айланади. Бунинг ўзимизга тасаввур қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига у орқали етказиб берилган ҳўжалик юклари миқдорига эътибор қаратиш қифодир. 2001 йили муҳим аҳамиятга молик 435 миллион тонна километр, 2002 йили 692 миллион тонна километр, 2003 йилининг етти ойида 407 миллион тонна километр юк шу йўл орқали манзилга етказилди.

Янги темир йўл бўйида Учқудук-2, Майлисой, Қуроли, Бузаубой, Донгелек, Бургутли, Мискин, Тўртқўл, Эллиқкальа, Беруний станциялари бунёд этилди. Бу қалалар темир йўлчиларига айланади. Эллиқкальа, Беруний, Тўртқўл ва Мискин станцияларида янги вокзал иморатлари қуриб, ишга туширилди. Нукус шаҳридаги темир йўл вокзали замонавий асосда тубдан қайта таъмирланди. Кўнғирот шаҳридаги Темир йўлчилар маданият ва истироҳат боғида 1500 ўринли стадион ва спорт мажмуи, болалар сузис бассейни, Нукус шаҳрида эса 32 хонадонли тураржой барпо этилди. Етти станцияда вагонлар созливини текширувчи қурилма, Мискинда локомотивларга техник хизмат кўрсатиш пункти, Тахиятошда Хўжайли станцияси билан боғловчи темир йўл тармоғи қуриб, ишга туширилди.

Кўнғирот минтақавий темир йўл тармоғи таркибиде 27 та бекат, 18 та разъезд, 2 та локомотив депоси ва

Истиқлол иншоотлари



ўнлаб корхоналар, шунингдек, вагон ҳўжалиги, йўловчи транс фаолият кўрсатади. Биргина Маъруф Бахтиёров раҳбарлик қилаётган локомотив депосида 614 одам, Саотбой Мажитов раҳбарлик қилаётган таъмирлаш депосида 160 одам ишлайди. Демокчимизки, янги темир йўл тўғрисида бир неча минг одам ишли бўлди. Қанча ёшлар ўз келажини шу соҳа билан боғламоқда. Янги темир йўл бутун бошли инфратузилмани юзага келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қуриб ишга туширилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» янги темир йўл тизимини барпо этишда Кўнғирот минтақавий темир йўл тармоғининг 400 дан зиёд ишчи хизматчилари фидокорона меҳнат қилишди. Демокчимизки, улар тажриба тўплаб, соҳа ривожига муносиб хисса қўшмоқдалар.

Темир йўл хизмати халқимизга фойда келтирсин деб, барча имкониятларини ишга солишмоқда, — дейди Кўнғирот минтақавий темир йўл тармоғи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты, ҲўҲДП фаоли Сатторберген Жумамуратов. — 2009 йил давомида юк айланмаси 3 миллион 7 минг тонна километри, юк жўнатиш 2 миллион 367 минг 300 тонна, юк тушириш бир кеча-кундузда 210 вагонни ташкил этди. 102 миллион сўм даромад қилинди, соф фойда 6 миллиард 380 миллион сўмдан кўп бўлди. Баркамол авлод йилининг биринчи чоракда юк айланмаси 553 миллион тонна километри, юк жўнатиш 744 миллион тонна, юк тушириш бир кеча-кундузда 208 вагонни ташкил этди. Даромад 20 миллиард 798 миллион сўм бўлиб, 6 миллиард 44 миллион сўм фойда кўрдик. Кам таъминланган оилаларга, ногирон ва қаровчиси йўқ қишлоқларга доимий равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келамиз.

Соҳада бандлик бўйича амалга ошираётган ишларни кўриб, хурсанд

бўласан, киши. Ўтган йили 100 нафардан зиёд ёшлар темир йўл тизимида ишга жойлаштирилди. Бу йилги ниятлар янада катта. Ҳозир темир йўлчилар касб-ҳўнар коллежини битираётган 100 дан ошди йигит-қизини ўз бағрига олиш учун астойдил ҳозирлик кўришмоқда.

Айниқса, Кўнғирот, Хўжайли, Тўртқўл, Мискин темир йўл вокзаллари йўловчига намунали хизмат кўрсатиши билан алоҳида ажралаб туради.

— Янги темир йўл тармоғи иш бошлагач, унда «Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент», «Тошкент — Саратов — Тошкент», «Тошкент — Алматы — Нукус», «Тошкент — Урганч — Тошкент», «Тошкент — Кўнғирот — Тошкент» ҳамда қўшни Тожикистон Республикасининг «Душанбе — Москва — Душанбе», «Кўлоб — Москва — Кўлоб», «Хўжанд — Саратов-Хўжанд» йўловчи поездлари қатнай бошлади, — дейди Оролбўйи йўловчиларга хизмат кўрсатиш корхонаси бошлиғи Аденбой Қурбанов. — Ўтган ҳафтадан бошлаб «Тошкент — Москва — Тошкент» поездлари эшигини очди! У теварак атрофида бутун бир тизимни юзага келтирди, ҳаётга жўшқинлик олиб кирди. Бир неча минглаб кишилар ишли бўлди. Кўнғирот минтақавий темир йўл тармоғи ва Оролбўйи йўловчиларга хизмат кўрсатиш корхонаси фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида

янги темир йўл орқали Қорақалпоғистон Республикасининг 1 миллион 74 минг 784 йўловчи ўз манзиллига етиб борди. Уларга малакали хизмат кўрсатиш борасида Оролбўйи йўловчиларга хизмат кўрсатиш корхонаси ходимлари, айниқса, ибратли ишлар қилмоқда. Унинг олтига темир йўл вокзали шинам ва ораста экани, қўлай шарт-шароити билан йўловчиларга манзур бўлмоқда.

йўловчи поезде қатнаши йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳар кун «Кўнғирот — Бейнеу — Кўнғирот», «Кўнғирот — Актау — Кўнғирот», «Кўнғирот — Чимбой — Кўнғирот» поездлари йўловчиларни ўз манзилларига етказиб қўймоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, корхонада қўшимча даромад топишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда қасанчилик ибратли йўлга қўйилган, тикувчилик чеҳи ишлаб турибди. Унда ишлаётган чеварлар ҳалат, ёстиқ, чойшаб, ёстиқ жилди, матрас каби маҳсулотларни тайёрлашади.

Қаранг, янги темир йўл қандай имкониятлар эшигини очди! У теварак атрофида бутун бир тизимни юзага келтирди, ҳаётга жўшқинлик олиб кирди. Бир неча минглаб кишилар ишли бўлди. Кўнғирот минтақавий темир йўл тармоғи ва Оролбўйи йўловчиларга хизмат кўрсатиш корхонаси фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хорижда



Ироқ Соелиқни сақлаш вазирлигининг бош инспектори берган маълумотларга асосланиб Бағдодда чоп этиладиган «Ал-Иттиҳод» газетаси хабар тарқатишча, бугунги кунда мамлакатда олий маълумотли шифокорлар етишмаслиги долзарб муаммага айланган. Аҳоли саломатлигини эҳтиёж даражасида муҳофаза қилиш учун яна юз минг нафар олий маълумотли шифокор керак. Айни пайтда 20 минггина малакали тиббиёт холими ўз соҳаси бўйича фаолият кўрсатмоқда. Бу мамлакат эҳтиёжининг 20 фоизига тенг, холис.

Шифокорлар етишмовчилиги

муаммага айланган




Инспектор ташвиш билан баён қилишича, мамлакатда хавфсизлик масалалари хануз ҳал этилмагани боис хориқлик тиббиёт мутахассислари Ироққа келиб иш-лашлари у ёқда турсин, хатто мамлакатда олий маълумот дипломига эга бўлган ироқликлар ҳам ўз юртида ишлашни хоҳламай четга кетиб қоляпти.

Маълумотларга қараганда, кейинги 6 йилда 8 минг нафар олий маълумотли ироқлик тиббиёт ходими хориқга ишлашга кетган. Махаллий маъмурулар госпиталлар ва бошқа касалхоналар кўриқловини таъминлашга қаролат берса-да, улар ўз ватанига қайтмапти.

Янги резолюция

овозга қўйилади

Франциянинг БМТдаги доимий вакили Жерар Ароннинг журналистларга маълум қилишча, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, Эроннинг ядро дастурини қарши қўланажак янги резолюция тайёр бўлди. Шу ҳафта у БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйилади.



Ушбу резолюцияда БМТга аъзо барча давлатлар Эрон банкларини билан пул ўтказмаларини амалга оширишда эҳтиёткорлик чораларини қўлайтиришга чакирилган ва ҳар қандай пул ўтказмалари Эроннинг ядро дастурини қўллаб-қувватлашга хисса бўлиб қўрилиши ҳақида оғохлантирилган. Шунингдек, Эронга қурол-яроғ сотишни тақиқловчи амалдаги руйхатлар қамрови янада кенгайтирилади.

14 йил аввал

руҳсат берилган эди

Маълумки, 1996 йили Калифорния штатида марихуанадан тиббий мақсадларда фойдаланиш ва шифокор рецетпи бўйича унинг савдосини амалга оширувчи пунктлар ташкил этишга АКШ бўйича биринчи бўлиб расмий руҳсат берилган эди. Ҳатто 2003 йили ҳовлида алоҳида наша ўсимлигини ўстиришга ҳам руҳсат берилганди.



Бироқ ИТАР-ТАСС хабар қилишича, марихуана гиёҳвандлик моддасининг тиббий мақсадларини назарда тутган ҳолда легаллаштирилиши ўзини оқламади. Одамлар бу имкониятдан нотўғри фойдалана бошлади. Шифокорларнинг сохта рецетплари кўпайгани баробарида гиёҳвандлар сони ҳам ортиб кетди.

Аҳолининг бу ҳолдан норози бўлиб ёзган шикоятларини инобатга олиб, Лос-Анжелес шаҳар кенгаши жорий йилнинг январь ойида марихуана билан савдо қилувчи барча пунктлар фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур қарор шу ойдан қучга кирди.

СП ООО «TOSHKAYATEKSTIL» соошбаёт, что согласно Решению внеочередного общего собрания учредителей (протокол № 03/01 от 05 марта 2010 года) директор Филиала «TOSHKAYATEKSTIL LTD AVRUPA SERBEST BOLGESI SUBESI» Ахмет Кавалки освобожден от занимаемой должности. С 05.03.2010 года на должность директора филиала «TOSHKAYATEKSTIL LTD AVRUPA SERBEST BOLGESI SUBESI» назначен Ахмет Гюмюш.

учун ишлаймиз»

янада кўпайтириб бораверамиз

лаш йўлида жами 1.327,7 млн сўм (шундан 778,4 млн сўми қишлоқ ҳўжалик техникасини сотиб олиш учун) узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Савдо соҳасига ажратилган 353,6 млн. сўм қисқа муддатли кредитлардан бугунги кунга қадар 172,1 млн. сўми нақд пулда қайтарилиб, мазкур маблағ ҳўжалик субъектларига яна қисқа муддатли кредитлар сифатида қайта берилиши ҳам тармоқ жамсалирига айна мурдао бўлди. Таъкидлаш керак, 2010 йилнинг ўтган ойлари мобайнида ажратилган ушбу кредитлар ҳисобидан 359 та (жумладан, 198 нафар хотин-қизларга) янги иш ўринлари яратилди.


ХИЗМАТГА ЯРАША ДАРОМАД САЛМОҒИ: жорий йилнинг беш ойи да-

вомида Халқ банкининг хизмат турлари ва уларнинг сифат даражаси ҳар қачонгидан ортиб, омонатга қўйилган аҳолининг бўш пул маблағлари миқозига (омонатчиға) ҳам, банкка ҳам мўмайгина даромад келтирмоқда. Масалан, янги турдаги муддатли ва ютуқли омонатларга: «Соврин плюс капитал» ютуқли омонатига 80,9 млн. сўм, «Саховат» жамғарилувчи омонатига 149,2 млн., «Комфорт» муддатли омонатига 93,9 млн., «Сармоя плюс» муддатли омонатига 104,1 млн. сўм маблағ жалб этилди. Шунингдек, «Саҳват-2» ютуқли омонатига 112,0 млн. сўм, «Кўклам» муддатли омонатига 168,6 млн., «Миришкор деҳқон» муддатли омонатига 85,4 млн., «Мураббий» муддатли омонатига 206,7 млн.,

«Кафолат» муддатли омонатига 171,8 млн. «Люкс» хорижий валютадаги омонатига 31,1 млн. сўм маблағ тушди. ЯНА БИР ЖИХАТ: аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, нақд пулсиз муомала хажминини кенгайтириш, қўлайликлар ва қўшимча шароитлар яратиш мақсадида вилот филиали тасарруфидаги барча муассасаларда пластик картчалар орқали муомалани муваффақиятли амалга ошириш ишлари йўлга қўйилгани ҳам эътиборга молик. Жорий йил 1 июнь ҳолатига банк томонидан миқозларга 44656 та «электрон ҳамён» тарқатилган бўлиб, жами терминаллар сони 454 тага етди. 531 мингта транзакция орқали 9.988,7 млн. сўм маб-

лағ ўтказилди. Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш борасида март-май ойларида 42 та сайёр терминаллар ўрна-тилиб, булар орқали тўловлар қабул қилинмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Давлат-тижорат Халқ банкининг Жиззах вилот филиали жамоаси қўлай ва самарали молиявий хизматлари билан барча миқозлари кўнглини олмақда. «Биз миқоз учун ишлаймиз ва хизматимиз турларини янада кўпайтириб борамиз!» шиори жамоанинг асосий мақсадиға айланган. Зеро, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида «бундай ўзгариш иқтисодий таракқиёт учун гоят муҳим аҳамиятга эга». Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Молия муассасаларида





# Оламни ҳаяжонга солувчи ўттиз кун



Эртага Йоханнесбург (Жанубий Африка Республикаси)да футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати Тошкент вақти билан соат 19.30 да бошланади. Учрашувлар ролпа-роса бир ой давом этади.

Жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари Йоханнесбург шаҳридаги «Соккер сити» стадионида бўлиб ўтади. Мазкур уйингоҳ 1989 йилда фойдаланишга топширилган бўлсада, жаҳон чемпионати арасида тўлиқ реконструкция қилинди. Стадион 94700 томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган спорт иншоотлари ичида энг қадимийси — «Лотус Версфельд» дея номланади. Бу стадион 51762 томошабинга мўлжалланган бўлиб, у Претория шаҳрида жойлашган. Хозир мамлакатнинг «Кайзер Чифс» футбол клубига қарашли бўлган бу иншоот 1923 йилда қуриб битказилган.

Жаҳон чемпионати учрашувларида «Жабулани» деб номланган тўпдан фойдаланилади. У мамлакатнинг йигирма беш фоиз аҳолиси сўзлашадиган зулуз тилидан таржима қилинганда, «байрам қилиш» деган маънони англатади. Агар тўп дизайнга назар солсанг, у 11 та рангдан ташкил топган. Бунда рамзий маъно бор, албатта. Футболда ҳар бир жамоадан ўн бири киши майдонга тушади. ЖАР расмий тиллари ва

қабилалари сони ҳам шунчани ташкил этаркан. ФИФА 2010 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоалар учун ажратган умумий мукофот жамғармаси — 420 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мусобақалар бошланишидан аввал 32 терма жамоанинг ҳар бири ФИФА томонидан ажратилган бир миллион АҚШ долларига эга бўлди. Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи жамоа қандай натижа қайд этишидан қатъи назар 8 миллион долларни кўлга киритади. Гуруҳдан чиққан жамоалар яна қўшимча 9, чорак финалчилар 18, ярим финалчилар 20, финалчи 24, жаҳон чемпиони 30 миллион доллар билан Ватанига қайтади.

Мундиалнинг тантанали очилиш маросимига улашиб кетувчи Жанубий Африка Республикаси — Мексика терма жамоалари баҳсига ҳамюртимиз Равшан Эрматов бош ҳакамлик қилади. Майдон узра, барча қитъадаги мамлакатларга ўнлаб тилларда узатиладиган теле ва радиорепортажларда ЎЗБЕКИСТОН ва Равшан Эрматов номлари янграйди. Бу юртдошларимиз қалбини гурур-ифтихорга тўлдирди.

Эркин ХОЛБОЕВ

# Ўзбек жанг санъатининг Италиядаги муваффақияти

Италиянинг Кальяри шаҳрида Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти — W.A.S.C.O йўналиши бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мазкур ташкилотга аъзо бўлган яккакураш турлари билан шуғулланаётган спортчилар иштирокида ўтказилаётган нуфузли беллашувларда ўзбек жанг санъати усталарининг маҳорати алоҳида эътибор эгилмоқда.

Ўзбек жанг санъати федерациясидан хабар беришларича, Кальяридаги жаҳон чемпионатида хозирча ўзбек жанг санъати усталаридан қашқадарлик Зафар Алиқулов ва бухоролик Комил Шукров фахрийлар ўртасида,

пойтахтлик Умид Мирзаахмедов ва Шерзод Салимов, Тошкент вилояти вакили Абдулла Ҳамидуллаев ўсимирлар ўртасидаги беллашувларда ғолиб чиқиб, олтин медаль билан тақдирланган.

Мухаммадқодир Абдуллаев билан Андижонда учрашдим. Сухбатимиз Сидней олимпидасида-



# «ВАЪДАМНИ БАЖАРИШИМ КЕРАК!»

**Мухаммадқодир Абдуллаев Ўзбекистон бокс тарихида биринчи бўлиб олимпиада олтин медалига сазовор бўлган спортчи**

Мухаммадқодир Абдуллаев Сиднейдаги олимпиада уйинларида галаба қозонганида мен 11 ёшли бола эдим. Кўксига олтин медаль тақилиб, мадҳиямиз янграй бошлаганда унинг кўзидан оқабган секин ёшларини кўриб, ўзимни йиғидан тўхтата олмаганим ёдимда...

Қаҳрамонимиз профессионал боксда ҳам ҳавас қилса аризулик натижаларни кўлга киритиб келаётганиди. Профессионал боксда олтин камарни кўлга киритиш учун даъвогар сифатида рингга кўтарилганди. Бутун жанг давомида Мухаммадқодир томонидан йўлланган кўлаб аниқ зарбалар унга керакли очколарни келтирарётганди. Аммо кўзи қаттиқ жараҳатлангани сабабли жанг тўхтатилди ва боксчимиз галаба қозонаётган пайтида мағлубиятнинг тан олтига мажбур бўлди. Бу анча аламли бўлганди. Яна ҳам алам қиларли томони, рақибим Мигель Коттони у Сидней олимпиадасида мағлубиятга учратиб, бахслардан чиқариб юборганди!

Профессионал рингдаги ушбу мағлубиятидан сўнг у ҳақда кам гапириладиган бўлди. Узи ҳам рингларда кўринмай қолди. Баъзилар уни, жараҳатини даволаётган десам, бошқалар боксдан бутунлай кетган дерди. Йил бошида пойтахтимизда бўлиб ўтган профессионал бокс бўйича жангларда Мухаммадқодирнинг рингга қайтганини кўрган кўпчилик мухлислар қувониб кетишди...

Тахрират топшириғига кўра Мухаммадқодирни қидира бошладим. Баъзилар уни Лас-Вегасда деди. Андижон вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг масъул ходими чемпион Андижонда эканини айтиб, телефон рақамини берди...

Мухаммадқодир Абдуллаев билан Андижонда учрашдим. Сухбатимиз Сидней олимпидасида-

ги галаба шарафига очилган «Сидней 2000» чойхонасида давом этди. Даврага қаҳрамонимизнинг отаси, Мухаммадқодир ака келиб қўшилди.

— Менинг бутун умрим меҳнатда ўтган, — дейди суҳбатдошимиз. — Болалигимдан спортга кизиқардим, спортчи бўлишни жуда ҳам хоҳлаганман. Лекин широк тақозоси билан бу орзум амалга ошмади. Уша пайтларда ўғлимни албатта, спортчи қиламан деган ният билан яшардим.

Мухаммадқодир 13 ёшга тўлганида бокс тўғрарига қатнай бошлади. Мен корхонада қоровул бўлиб ишлардим. Тўшлик пайтида ҳамма овқатлангани кетса, мен қандай машқ қилаётганини кўриш учун ўғлимнинг машғулотига борардим. Ишга қайтиб келиб у ердигиларга «ҳали менинг ўғлим дунёга машхур боксчи бўлади, ўзбек номини оламга тарадади» десам, «сен бир қоровул бўлсанг, қанақасига ўғлинг дунёга машхур юлдуз бўлади» деб устимдан кулишарди. Мен уларга «ҳали кўрасизлар» дердим. Мухаммадқодир Сидней олимпиадасидан олтин медаль билан қайтгач, уша одам ҳамманинг олдида сўзга чиқиб, мендан кечирим сўради...

Ҳар кўни кечкурун Мухаммадқодирни уйда машқ қилдирардим. Махсининг орасига кўрғошим тикиб, ўшани қийдириб югуртирдим. Машғулот пайтида қайси зарбаси ўшмаётган бўлса, уша

зарба устида қайта-қайта ишлатардим. Сидней олимпидасининг финалидан кейин мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилга бошлаганда, ўғлимнинг кўз ёш тўкаётганини телевизор орқали кўриб қандай қувонганимни тасаввур қила оласизми? Ота учун бундан ортиқ бахт борми? Уша меҳнатларимнинг самарасини ҳозир кўриб ўтирибман.

Мухаммадқодир Абдуллаев илк бор бокс сирларини ўрганган элдამиз. У ерда мураббий Марс Кўчқоров Тайвандан ташириб бурган боксчилар ва маҳаллий ёшларга бокс сирларини ўргатаётган экан. Унинг ёрдამчиси — ҳаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров. Дастлаб Марс Галиевични суҳбатга тортидик.

— Мухаммадқодир бизнинг залга келганида 16 ёшда эди. Оғирлиги анча кам, 42 килограмм ҳам чиқмасди. Унинг тиришқоқлигига ҳамма ҳавас қиларди. Ҳеч қачон меҳнатдан қочмасди, ўз устида тинимсиз ишларди. У ҳақиқий «қайтмас» эди. Умуман, орқага қайтиш ҳақида ўйламасди. Машғулот пайтида ўз тенгқурлари биланми, ўзидан катталар биланми, унга фарқи йўқ эди. Худди мусобақадда рақиб билан жанг қилаётгандек охиригача ҳаракат қиларди.

Мен кўл остига қанақа бола келса, ўшани албатта чемпион қиламан дейман. Лекин чемпионлик ҳам ҳар хил бўлади, вилоят чемпиони, республика чемпиони, Мундиал чемпиони, Олимпиада чемпиони.

## Яқин келажақдаги ниятлари

Ҳозир мен фақатгина битта истак билан ёна-япман Худо хоҳласа профессионал боксда ҳам чемпион бўлиш.

Юртбошимга, халқимга берган ваъдамни бажаришим керак. Яна машғулотларга зўр бериб, аввалги формамни аста-секинлик билан тиклаб боряпман. Пойтахтимизда ташкил этилаётган рейтинг жангларига керакли очколарни йиғиб, чемпионлик учун рингга кўтарилмоқчиман.

Ҳозир мураббийлик билан шуғулланаётган Ўткирбек Ҳайдаров билан суҳбатлашдик.

— Мухаммадқодир билан 1988 йилдан бошлаб битта залда шуғулланишни бошлаган бўлсак-да, 1986 йилдан кўлаб мусобақаларда учрашиб турардик. Уша пайтларда у билан оғирлигимиз бир хил эди. Кейинчалик менинг вазим ошиб кетди. Уша пайтдан то 2000 йилгача бирга, битта залда шуғулландик.

Биз терма жамоа йиғинларида доим битта хонада яшардик. Ўртаимизда соғлом рақобат

бўларди. Бу ўсишимизга ёрдამ билан ўзимизда ҳам профессионал бокс клублари очилмоқда. Шуҳрат Ҳайдаров томонидан пойтахтимизда «Файз-Мунаввар» бокс клуби очилди. Шу инсон билан кўришиб, гаплашганимдан сўнг боксга қайтишга қарор қилдим. Кўча-кўйда одамлар билан учраганимда менга «сен профессионал боксда чемпион бўлишни ваъда қилгансан. Нега тушмаясан?» дейишарди. Мен уларга «мана, шогирдларим чиқияпти-ку» десам, «ваъдангни устидан чиқишинг керак» деган гапларни кўп айтишди. Ўтган йили клуб билан шартнома тўздим. Бу йил 5 та жанг ўтказдим. Орада уч йил рингга тушмаганим боис дастлабки уч жангни очколар ҳисоби бўйича ютдим. Охиригича рақибимни техник нокаут билан мағлубиятга учратдим.

— **Профессионал боксдан кетишингизга ўша мағлубият сабаб бўлди, дея сўрайман Мухаммадқодир акадан...**

— Уша пайтларда АҚШда юрганамда менеждер ва промо-торлар билан келишмовчиликлар бўлиб қолди. У ердаги охириги, Мигель Котто билан бўлган жангимни улар кўришган. Очколар бўйича олдинда бораётганим. Фақат жараҳат сабабли жангни тўхтатишган. Бироқ ўртада мени қониқтирмайдиган гап-сўзлар бўлди.

Мана, мустақиллик шарофати билан ўзимизда ҳам профессионал бокс клублари очилмоқда. Шуҳрат Ҳайдаров томонидан пойтахтимизда «Файз-Мунаввар» бокс клуби очилди. Шу инсон билан кўришиб, гаплашганимдан сўнг боксга қайтишга қарор қилдим. Кўча-кўйда одамлар билан учраганимда менга «сен профессионал боксда чемпион бўлишни ваъда қилгансан. Нега тушмаясан?» дейишарди. Мен уларга «мана, шогирдларим чиқияпти-ку» десам, «ваъдангни устидан чиқишинг керак» деган гапларни кўп айтишди. Ўтган йили клуб билан шартнома тўздим. Бу йил 5 та жанг ўтказдим. Орада уч йил рингга тушмаганим боис дастлабки уч жангни очколар ҳисоби бўйича ютдим. Охиригича рақибимни техник нокаут билан мағлубиятга учратдим.

— **Сизнинг Сиднейдаги галабангиз 27 рақамга боғлиқлиги ҳақида кўп гапирясида.**

— Дарҳақиқат, шундай бўлган. 27 ёшимда, 27-ёғи олимпиада уйинларида, финалда 27 та аниқ зарба билан чемпион бўлганман. Уша воқеага ҳам ўн йил бўлибди. Олимпиадагача 1998 йилда Жаҳон кубогини, Осиё уйинлари қолибганини, 1999 йилда эса Осиё ва жаҳон чемпионлигини кўлга киритганим. Шу боисдан ҳам ҳамманинг умиди менга, Ўткирбек Ҳайдаровга қаратилганди. Аэропортда журналистлар келиб «мақсадингиз қандай?» дейишганида ҳаммага «албатта, чемпион бўлиш» дегандим. Олимпиадагача АҚШда, Францияда йиғинлар ўтказгандик. Чемпион бўлганимда, Юртбошимиздан олган оқ фотиҳа, халққа берилган ваъда, машғулотларда тўққан терларимиз ёдимга тушиб, кўзимдан секин ёшларим оқди.

**Биз унга омад ёр бўлишимиз ва албатта, профессионал боксда ҳам орзу ниятига етишига тилақдошимиз.**

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Болаларнинг қувончи чексиз

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 19 оромгоҳда ёзги таътил кунларида болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун пухта тайёргарлик кўрилди. Ётоқхоналар, павильонлар, сузиш ҳавзалари, спорт майдонлари, кутубхона, маънавият ва маърифат, тиббиёт хоналари, ошхоналар жорий таъмирланди, замонавий мебель ҳамда жиҳозлар, спорт анжомлари билан таъминланди.

Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларидаги сўлим оромгоҳларда айни пайтда болаларни соғломлаштириш мавсуми бошланди. Мавсумнинг дастлабки босқичида дам олиш учун келган олти ярим минг нафар ўғил-қиз таътилни пурвиқор тоғлар этагидаги хушхаво табиат бағрида ўтказмоқда.



Шоҳрӯд Шарофев (8-й) ойна сурат.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги мuddатли депозитлар амалга қиритилганлигини маълум қилади:

## «Аломат»

- сақлаш мuddати — 3 ой, фоиз ставкаси — йилига 21%;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ой (капиталлаштирилмаган ҳолда) ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади;
- бошланғич бадал миқдори чегараланмаган;
- омонатга маблағ қабул қилиш — 2010 йил 1 августга қадар.

## Нафақахўрлар учун «Иzzат»

- сақлаш мuddати — 3 ой, фоиз ставкаси — йилига 23%;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ой (капиталлаштирилмаган ҳолда) ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг тўланади;
- бошланғич бадал миқдори — 250 минг сўмдан кам эмас;
- омонатга маблағ қабул қилиш — 2010 йил 1 сентябрга қадар.

Бизга ўз омонатларини бошқаришни ишониб топширган кишиларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Кўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Shobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Musiliddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZII KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Partiya hayoti</b> 233-10-13
<b>Madaniyat va sport</b> 233-69-45,
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b> 233-20-36, 233-44-55
<b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huroquy targ'ibot</b> 233-12-56
<b>Reklama va e'lonlar</b> 233-38-55, 233-47-80
<b>Mas'ul kotib</b> 233-72-83, 236-55-17
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda</b> — 25-32-70
<b>Buxoroda</b> — 223-06-02
<b>Gulistonda</b> — 25-46-45
<b>Jizzaxda</b> — 227-48-35
<b>Navoiyda</b> — 223-83-73
<b>Namanganda</b> — 226-43-81
<b>Nukusda</b> — 222-77-21
<b>Samarqandda</b> — 35-02-55
<b>Urganchda</b> — 517-30-58
<b>Farg'onada</b> — 224-18-78
<b>Denovda</b> — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozining kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 549
13355 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 01.40
Topshirilgan vaqti — 03.00
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda